

Коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбир



Автомобиль йўллари давлат қўмитасида 9 декабрь – халқаро коррупцияга қарши курашиш кўни муносабати билан тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни тўғрисида маълумот берилиб, мазкур қонун 6 боб, 34 та моддадан иборатлиги, у – коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга хизмат қилиши ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.



Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ислохотларнинг янги даври бошлангани ва бунда коррупцияга қарши курашиш давлатнинг устувор вазифаси эканидан далолат экани алоҳида таъкидланди.



Худди шундай тадбир Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида ҳам бўлиб ўтди.

Автомобиль йўллари давлат кўмитаси

матбуот хизмати